

«ТАСДИҚЛАНДИ»:

**АЖ «UZVAT A.O.» QK
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

2022 ЙИЛ 23 СЕНТЯБРЬ 208 -СОНЛИ

**АЖ «UZVAT A.O.» QK («UZVAT»)
ДИРЕКЦИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

(янги нашр)

ТОШКЕНТ 2022

Мазкур АЖ «UZBAT А.О.» ҚК Дирекцияси тўғрисидаги Низом («Низом») Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 йилдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларин ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (янги таҳрири) 79-моддаси низомлари ва УЗБАТ Уставининг янги таҳрирининг 31-модданинг 31.3.20-кичик банди асосида ишлаб чиқилган.

1. ТАЪРИФЛАР ВА ИЗОҲЛАР

1.1 Таърифлар

Мазкур Низомда УЗБАТ Уставида фойдаланиладиган ва қуйидагича белгиланган таърифлар қўлланилади:

«Устав»	Тошкент шаҳар Юнусобод тумани “Ягона дарча” тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан рўйхатга олинган “УЗБАТ АО” акциядорлик жамиятининг янги таҳридаги Уставни билдиради 8 июнь 2022 йил, рўйхатга олиш рақами 1246
«Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши»	УЗБАТ олий бошқарув органини англатади ва Уставнинг 15-моддасида очиб берилган ма’нога эга.
«Кузатув Кенгаши»	Уставнинг 25-моддасида очиб берилган мазмунга эга.
«Бош Директор»	Уставнинг 30-моддасида очиб берилган мазмунга эга.
«Тафтишчи»	Уставнинг 35-моддасида очиб берилган мазмунга эга.

1.2 Изоҳлар

Агар мазкур Низомдаги контекст фақат бирлик сонини билдирадиган бошқа сўзни талаб этмаса, кўплик сонини ва аксинча - бирлик сонини ўз ичига олади.

2. УМУМИЙ НИЗОМЛАР

- 2.1 Мазкур Низом УЗБАТ Дирекциясининг мақомини, унинг ишлаш тартибини, Дирекция аъзоларини тайинлаш тартиби, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.
- 2.2 Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 йилдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларин ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрири ва УЗБАТ Уставининг янги таҳририга биноан ишлаб чиқилди.

3. ДИРЕКЦИЯ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ.

- 3.1 УЗБАТ Дирекцияси УЗБАТ Бош Директорига УЗБАТ кундалик хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилишда ёрдам бериш мақсадида тузилади.
- 3.2 УЗБАТ Дирекцияси УЗБАТ Бош Директорининг буйруғи билан тузилади. Дирекция аъзоларининг ходимлари таркиби УЗБАТ Бош Директорининг Буйруғи билан тайинланади. Дирекция таркибига Бош Директор неча кишини белгилаган бўлса, ўшанча киши аъзо бўлади. Бош Директорнинг ихтиёрига кўра, Дирекция таркибига Бош Директор ўринбосарлари, УЗБАТ департаментлари ва бўлимлари раҳбарлари, ҳамда УЗБАТ етакчи мутахассислари киришлари мумкин.
- 3.3 УЗБАТ Бош Директори, зарурат туғилганда, Дирекция таркибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, Дирекция аъзоларини тўлдириш ва/ёки чиқариш ҳуқуқларига эга.

Бундай ўзгартиришлар ва тўлдиришлар УЗБАТ Бош Директорининг тегишли буйруқлари билан расмийлаштирилади.

- 3.4 Дирекция аъзоси УЗБАТ Уставини, УЗБАТ ички меҳнат тартиби қоидаларини, меҳнат шартномаси шартлари ёки меҳнат қонунчилигини қўпол тарзда бузганлиги, ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) билан УЗБАТга зарар етказганлиги учун бир вақтнинг ўзида меҳнат шартномасини бекор қилиш билан бирга эгаллаб турган лавозимидан чақириб олиниши мумкин. Дирекция аъзосини чақириб олиш ва у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги қарор УЗБАТ Бош Директори томонидан қабул қилинади.
- 3.5 Дирекция аъзолари Дирекция таркибидаги ишлари учун мукофот олишга ҳақлидирлар. Мукофотни тўлаш тартиби ва мукофот миқдори Бош Директор Буйруқлари билан ва УЗБАТ сиёсатига биноан белгиланади.
- 3.6 Бош Директорнинг ўзи бўлмаган пайтда, Бош Директор Дирекция аъзоларидан бирига унинг вазифаларини бажариш ваколатларини бериш ҳуқуқига эга. Бундай ваколатлар Бош Директорнинг Буйруғи ва тегишли ишончнома билан расмийлаштирилади. Бош Директор вазифаларини бажарувчига (Бош Директор ўзи бўлмаган пайтда) Дирекциянинг бошқа аъзоларига Бош Директор вазифаларини бажаришга қайта ишонч билдириш ваколатларини беради.
- 3.7 Дирекция аъзоси Дирекция таркибидан автоматик тарзда чиқарилади, агар:
- 3.7.1 унга қонун томонидан Дирекция аъзоси вазифаларини бажариш тақиқланган бўлса;
 - 3.7.2 у жиноят содир этганлиги учун суд қарори билан ҳукм қилинган бўлса;
 - 3.7.3 у руҳий касалликка дучор бўлган, ва Дирекция бошқа аъзоларининг фикрига қўра, ўз ишларини тўғри юритиш қобилиятига эга бўлмаса.
- 3.8 Дирекция аъзоси камида 10 (ўн) календар куни аввал Директорга ёзма хабарнома тақдим этиб, истеъфога чиқиши мумкин.
- 3.9 Директор томонидан бошқа ташкилотлар бошқарув органларида ўриндошлик қилишга УЗБАТ Директорининг ёзма равишда берилган розилиги билан йўл қўйилади.

4. ДИРЕКЦИЯНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

Бош Директор УЗБАТ кундалик хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади. Ушбу мақсадларда Бош Директор заруратга қараб Дирекция мажлисларини ўтказиб туради. Бош Директор бўлмаган пайтда, Дирекция мажлисини Дирекция мажлисида кўриб чиқиши лозим бўлган масалалар учун жавобгар бўлган Дирекция аъзоларидан бири ўтказиши мумкин.

- 4.1 Дирекция аъзолари лавозим йўриқномалари, тузилган меҳнат шартномасининг шартлари, Бош Директорнинг кўрсатмалари, Акциядорлар Умумий Йиғилиши, Кузатув Кенгашининг қарорлари ва мазкур Низом билан белгиланган ваколатлар доирасида ҳаракат қиладилар.
- 4.2 Бош Директор томонидан Кузатув Кенгаши ёки Акциядорларнинг Умумий йиғилишига ҳал қилиш учун киритиладиган масалалар, олдиндан Дирекция мажлисида муҳокама қилинади.
- 4.3 Дирекция мажлисларида Дирекция мажлисларининг баённомаси юритилади. Баённомани Дирекция аъзоларидан бири юритади ва уни мажлис ўтказилгандан сўнг 5 (беш) иш кунидан кечиктирилмасдан электрон шаклда тузади. Заруратга қараб, Бош Директор ёки тегишли Баённомани тузган Дирекция аъзоси томонидан қоғоз шаклидаги Баённомадан кўчирма тасдиқланади. Дирекция Баённомасидан кўчирма қуйидагиларга берилади:
- УЗБАТ Кузатув Кенгашининг Раисига ва Тафтишчисига – унинг талаби бўйича;
 - УЗБАТнинг бошқа мансабдор шахсларининг сўрови бўйича – фақат Бош Директорнинг рухсати билан;

- бошқа шахсларга ва органларга (шу жумладан давлат органларига) – амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда.

5. ДИРЕКЦИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1 Агар Дирекция аъзоси УЗБАТ билан тузиладиган битимдан молиявий жиҳатдан манфаатдор бўлса, кўрсатилган масала муҳокама қилинганда, у ўзининг манфаатдорлиги ҳақида қарор қабул қилинган вақтгача хабар бериши керак. Битим тузишдан молиявий жиҳатдан манфаатдор бўлган Дирекция аъзоси, мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмайди.
- 5.2 Дирекция аъзолари Дирекциянинг у ёки бу қарорларини қабул қилишга таъсир кўрсатганлиги учун бевосита ёки билвосита мукофот олишга ҳақли эмаслар.
- 5.3 Дирекция аъзолари ўзларининг шахсий моддий манфаати йўлида УЗБАТ имкониятларидан(мулкӣ ёки номулкӣ ҳуқуқлари, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, УЗБАТ фаолияти ва режалари ҳақидаги маълумотлардан) фойдаланишга ҳақли.
- 5.4 Дирекция аъзолари ўз фаолияти давомида, фаолияти УЗБАТ маҳсулотларини сотишда ёки хизматлар кўрсатишда қийинчиликлар туғдирадиган корхоналар фаолиятини таъсис этишга ёки таъсис этишда иштирок этишга ҳақли эмаслар. Дирекция аъзолари Дирекцияда лавозимга тайинлаганда ўхшаш корхоналарда ўз иштирокини тўхтатиши ва ушбу тўхтатиш ҳақида УЗБАТ Бош Директорига хабар бериши лозим. Дирекция аъзолари Дирекцияда лавозимга тайинланганда ўхшаш корхоналардаги ўз иштирокларини тўхтатишлари ва бу ҳақида Бош Директорга хабар беришлари шарт.
- 5.5 Дирекция аъзолари ўз хизмат вазифаларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганликлари натижасида етказилган зарар учун УЗБАТ олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан жавобгар ҳисобланадилар.

Гадайбаев Т.У.
Бош директор
АЖ ҚҚ “УЗБАТ А.О.”

